ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙГА БЎЛГАН ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА

## УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2024

**Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини таъминлаш бўйича услубий қўлланма.** Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 46 б.

**Тузувчилар: А. Ҳакимбаев**
**Р. Расулбекова**

Ушбу услубий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини таъминлашда “маҳалла еттилиги”нинг ўрни, “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларга амалий ёрдам бериш тартиби содда тилда кўрсатиб ўтилган.

Мазкур услубий қулланма тавсиявий хусусиятга эга.

# МУНДАРИЖА

Кириш ........ 4

Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини таъминлашда тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари ........ 5

Хотин-қизларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини таъминлаш маданиятини шакллантириш ........ 7

Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини таъминлашда "маҳалла еттилиги"нинг ўрни ........ 12

"Аёллар дафтари" рўйхатига киритилган хотин-қизларга амалий ёрдам бериш тартиби ........ 14

Нотурар жойларда истиқомат қилаётган, шунингдек, ота-онасидан ёки уларнинг биридан айрилган ҳамда ёлғиз онаси, ёлғиз отаси ёки бошқа шахслар қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш тартиби ........ 17

Иловалар ........ 24

Ижтимоий тармоқлардаги фойдали ҳаволалар ........ 46

# КИРИШ

Сўнгги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда доимий аҳоли сони қарийб 37 млн. кишини ташкил этади, шундан 49 % аёллардир. Мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги роли, гендер тенглик ва оила масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

2023 йил давомида "Аёллар дафтари" га киритилган аёлларнинг 108 490 нафарининг муаммолари ҳал этилди, қолганлари билан бугунги кунга қадар манзилли ишланмоқда.

Жорий йилда БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида бўлиб ўтган БМТ Аёллар ҳолати бўйича комиссиясининг 68-сессиясида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди. Ушбу Сессияда камбағалликни бартараф этиш ва гендер тенгликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

БМТнинг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунё бўйлаб аёлларнинг 10,3 фоизи ўта қашшоқликда яшамоқда. 2030 йилга бориб, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун камбағалликка барҳам бериш жараёни 26 баробар тезлаштирилиши лозим. Шу боис, сессияда бутун дунё ҳукуматлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва экспертлар аёлларнинг қашшоқлигини тугатиш ва гендер тенгликни оширишга қаратилган ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва сармояларни жалб қилиш масалаларига эътибор қаратдилар.

"Маҳалла еттилиги" ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган ушбу қўлланмада аёллар ва қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Қўлланма Сиз учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиламиз.

# Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини таъминлашда тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–81-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–209-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4102-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3182-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги "Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 145-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги "Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳрида бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 737-сон қарори

# Хотин-қизларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини таъминлаш маданиятини шакллантириш

**Нега ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини таъминлаш маданиятини тарғиб қилиш керак?**

Ҳудудда мавжуд уй-жойдан самарали фойдаланиш:



**аёлларнинг турмуш сифатининг оширишга хизмат қилади;**




**аёллар ва қизларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлайди.**

Мазкур икки омилнинг мавжудлиги ўз навбатида ишсизлик, боқимандалик каби бошқа салбий ҳолатларнинг аниқ бир оила, маҳалла кесимида келиб чиқмаслигини таъминлайди.

Албатта, юртимизда хотин-қизларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш маданияти йиллар давомида шаклланган. Айрим ҳудудларда, аёллар учун муносиб уй-жой шароитларини яратишга ҳаракат қиладиган инсонлар кўп.

*“Сўнгги 5 йил ичида Ўзбекистонда ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, хотин-қизларга ажратилган 6 триллион сўмлик ипотека кредитлари ҳисобидан 25 мингдан зиёд оилалар ўз уйига эга бўлди. Бу борада **6 минг 200 нафар** аёлга уй-жой шароитини яхшилаш ва кредитнинг бошланғич бадалини тўлаш учун **200 миллиард сўм** субсидия ажратилганини қайд этиш лозим”, – **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев***

Уй-жой шароитини яхшилаш истагида бўлган уй-жойга муҳтож хотин-қизлар **ўзини ўзи бошқариш органи** ёки **Комиссиянинг ишчи органига сўровнома-ариза** билан мурожаат қилади.




## “Аёллар дафтари” нима?

**“Аёллар дафтари”** – ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.

***Ҳуқуқий асос:*** *Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги ВМҚ–145-сон “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.*

“Аёллар дафтари”га **30** ёшдан ошган қуйидаги тоифадаги хотин-қизлар киритилади:

- ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар;
- адбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар;
- боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар;
- ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар;

- уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар;
- қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар.

### Ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар тоифасига кимлар киради?

**Ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар** – бандлиги таъминланмаган, ишлаш истагида бўлган ва даромад манбаига эга бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар. Шу билан бирга, нотурар жойларда истиқомат қилаётган, доимий яшаш учун турар жойи бўлмаган, бир хонадонда (кичик ҳовлида) уч ва ундан ортиқ оила яшаётган (уй-жой майдони белгиланган ижтимоий нормадан кам бўлган), бироқ ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган, хусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган эҳтиёжманд хотин-қизлар **уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар** ҳисобланади.

### Секторлар нима? Улар қандай вазифаларни бажаради?

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадда ҳудудларни **секторларга** бўлиб ишни ташкил этиш тизимининг жорий этилганлиги халқ билан манзилли мулоқотнинг йўлга қўйилишига имкон яратди.

Шунингдек, **секторлар** – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларининг тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар

ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг кўмаклашувчи коллегиал ишчи тузилмаси.

### Буни билиш муҳим!

Секторлар **"туман (шаҳар) – вилоят – республика"** тамойили асосида ишларни амалга оширади.

Мазкур секторлар ишчи гуруҳлари ва маҳаллалардаги **хотин-қизлар фаоллари** томонидан маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари билан биргаликда барча йўналишдаги муаммоларни ҳар йили **январь ойида уйма-уй юриш орқали** хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари ўрганадилар *(Қўлланманинг 1-2 иловалари)* ҳамда "Аёллар дафтарига" киритиш масалаларни кўриб чиқадилар *(Қўлланманинг 3 иловаси).*

**Секторларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:**

- уй-жой коммунал ва йўл хўжалиги, энергия, сув ва иссиқлик таъминоти, транспорт қатнови, архитектура, арзон уй-жойлар қуриш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, намунавий маҳалла ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини шакллантириш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган тадбирларни ўтказиш;
- ижтимоий муҳофазанинг манзиллилиги, истеъмол бозорида нархларнинг барқарорлиги, ижтимоий соҳа объектлари, энг аввало, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа муассасаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш;

- ҳудудларни жадал иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, уларнинг табиий, иқтисодий ва инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш, қурилиши тугалланмаган объектлардан, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш ва ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми ва ҳудуднинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, жойларда замонавий бозор инфратузилмасини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш, туризм соҳаларини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- деҳқон хўжаликлари, томорқа учун ажратилган ерлардан мақсадли фойдаланиш, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа фаолият турларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда фермер хўжаликларига кўмаклашиш бўйича чоралар кўриш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларни, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика қилиш ҳамда уларни барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан ишларни ташкил этиш.

# Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини таъминлашда “маҳалла еттилиги”нинг ўрни

## МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ









***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги 81-сон Фармонига асосан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган хотин-қизлар фаоли лавозими жорий этилган***




Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим, ёшлар етакчиси ва солиқ инспекторилари билан биргаликда **хотин-қизлар фаоли** жамоатчилик асосида фаолият юритадиган ***“маҳалла еттилиги”***нинг бири ҳисобланади.

**Хотин-қизлар фаоли** – ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги ҳар бир маҳаллада оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис.

**Хотин-қизлар фаоли қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:**

**1. “Соғлом оила – соғлом жамият”** тамойилларини тарғиб қилиш, хусусан яқин қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг олдини олиш, репродуктив саломатликни яхшилаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш.

*(Ҳар ойда камида 20 та оилага кириб, оилавий қадриятларни тарғиб этади ва никоҳларнинг қонунийлигини таъминлайди.*

*Маҳаллада ҳар ойда ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилаларнинг 5 тасини соғлом турмуш тарзига қайтаради).*

2. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш.

*(Ҳар ойда бир маротаба мактабдаги ўқувчи қизлар билан учрашиб, уларнинг таълим олишга қизиқишини оширади.*

*Ҳар ойда камида 5 нафар маҳалладаги хотин-қизларни тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандчиликка жалб қилади).*

3. Хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ушбу муаммолар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга мурожаат қилиш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ижтимоий ходим билан биргаликда ташкил этиш.

*(Ҳар ойда камида 10 нафар оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ташкил этади).*

4. Хотин-қизлар ўртасида ижтимоий профилактика ва мослаштириш ишларида ҳамкорлик қилиш, тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратишда иштирок этиш.

*(Ҳар ойда бир маротаба жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар хонадонига бориб, муаммосини ўрганади.*

*Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлайди ва профилактика инспекторига хабар беради).*

# “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларга амалий ёрдам бериш тартиби

*“Биз ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, бутун борлиғимизни сиз, қадрли опа-сингилларимиздан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Сизлар биз учун ҳамиша гўзаллик ва назокат, меҳр ва садоқат, қаноат ва шукроналик тимсоли бўлиб келгансиз ва доимо шундай бўлиб қоласиз. Мана шундай олижаноб фазилатларингиз билан бизларга ҳамма вақт куч-ғайрат, ҳаётга, келажакка ишонч бағишлаб келаётганингиз учун сиз, азизларга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди”, –* ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев***

## “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш

Секторлар ишчи гуруҳлари томонидан тегишли мутахассислар жалб қилинган ҳолда, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг уй-жойи ҳолати ўрганилади ва нуқсон далолатномаси (Қўлланманинг 4-иловаси) ҳамда таъмирлаш ёки қурилиш материалларини олиб бериш бўйича смета ишлаб чиқилиб, “Аёллар дафтари” жамғармаси Васийлик кенгашига киритилади.

### Буни билиш муҳим!

Ҳар бир уй-жойни таъмирлаш ишларига “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг **30 бараваригача** миқдорда маблағ ажратилади.

Васийлик кенгаши томонидан таъмирлаш сметаси бўйича тегишли қарор қабул қилиниб, маблағ ажратилади ҳамда қурилиш ташкилотига (пудратчига) ёки қурилиш материаллари етказиб берувчи корхонага ўтказиб берилади.

Бунда қурилиш ташкилотга (пудратчи) ёки қурилиш материаллари етказиб берувчи корхона давлат харидларининг электрон тизими орқали аниқланади.

Секторлар раҳбарлари туманлар (шаҳарлар) қурилиш бўлимлари билан биргаликда маблағ ажратилган вақтдан бошлаб таъмирлаш ишлари сифатли бажарилишини ташкил этади ва назорат қилади.

### “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга турар жой ижара компенсациясини тўлаш

Маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ҳамда фуқароларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари **“хонадонбай”** ҳамда уларнинг **мурожаатларига** асосан ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича фуқаролар йиғинлари раислари ва хотин-қизлар фаоллари томонидан турар жой учун ижара компенсациясини тўлаб бериш бўйича талабномалар шакллантирилади.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга **турар жой ижара компенсацияси** мазкур талабномалар ҳамда секторлар раҳбарлари ва туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғининг **хулосаси** асосида белгиланган тартибда тўлаб берилади.

Бунда:

- турар жой ижараси тўғрисидаги шартнома уч томонлама – ижарага берувчи, ижарага олувчи ва туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими ўртасида тегишли йилнинг сўнгги кунигача бўлган муддатга тузилади;
- турар жой ижараси учун тўловларнинг **50 фоизи**, лекин кўпи билан **500 минг сўмгача** бўлган қисми “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

**Маълумот учун.** Турар жой ижараси учун тўловлар ижарага берувчига тўғридан-тўғри тўланади.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва уларнинг бирга яшайдиган оила аъзолари бошқа дастурлар доирасида, ҳомийлик

ёки бошқа маблағлар ҳисобидан уй-жой билан таъминланган ёхуд уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича ижтимоий ёрдам (кўмак) олган ёки имтиёзлардан фойдаланган хотин-қизларга мазкур Низом асосида турар жой ижара компенсацияси ажратилмайди.

Турар жой ижара компенсацияси тўлаб турилган даврда уй-жой билан таъминланган ёки ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизларга янги турар жойга кўчиб ўтган ойдан бошлаб кейинги ойнинг биринчи санасидан турар жой ижара компенсацияси тўхтатилади. Мазкур тартиб ажратилган турар жой яшаш учун шароити мавжуд бўлган ҳолда хотин-қизлар томонидан кўчиб ўтиш рад этилган тақдирда ҳам қўлланилади.

### Буни билиш муҳим!

"Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий уй-жойларга ижара ҳуқуқи асосида **беш йилдан ортиқ бўлмаган** муддатга кейинчалик узайтириш имконияти билан жойлаштирилиши ёки ҳомийлар томонидан мулк ҳуқуқи асосида уй-жой билан таъминланиши мумкин.

Кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланиш учун хотин-қизларга ижтимоий контракт асосида касб ўрганиш, меҳнат қилиш имконига эга бўлса, мустақил ёки аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси асосида ишга жойлашиш бўйича ижтимоий мажбуриятлар юкланади.

# Нотурар жойларда истиқомат қилаётган, шунингдек, ота-онасидан ёки уларнинг биридан айрилган ҳамда ёлғиз онаси, ёлғиз отаси ёки бошқа шахслар қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш тартиби

## Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш

Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш намунавий таркибда туман (шаҳар)ларда ташкил этиладиган Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) томонидан амалга оширилади.

**Маълумот учун.** Туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

Уй-жой шароитини яхшилаш истагида бўлган уй-жойга муҳтож хотин-қизлар ўзини ўзи бошқариш органи ёки Комиссиянинг ишчи органига **сўровнома-ариза** билан мурожаат қилади.

Бунда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи масъул ходими ва Комиссия ишчи органи уй-жойга муҳтож хотин қизларга сўровнома-аризани тўлдиришда бевосита кўмаклашади.

Ҳар чоракда чорак биринчи ойининг **15-кунига қадар** Комиссия аъзолари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи масъул ходими билан биргаликда уй-жойга муҳтож хотин-қизлар истиқомат қилаётган манзил бўйича жойига чиққан ҳолда хотин-қизларнинг яшаш шароитларини, иқтисодий ва ижтимоий ҳолатини ўрганади.

Ўрганиш натижалари, шунингдек, сўровнома-аризада кўрсатилган ҳамда электрон ахборот алмашинуви орқали ваколатли вазирлик ва

идоралардан олинган маълумотлар асосида Комиссия тасдиқловчи **далолатнома** *(Қўлланманинг 5-иловаси)* тузади.

Комиссия уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг эҳтиёжмандлиги даражаси, ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар ҳамда мавжуд ижтимоий уй-жойлар сонидан келиб чиқиб муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш масалаларини ўрганиб чиқади.

Ўрганиш якунига кўра Комиссия уй-жойга муҳтож хотин-қизлар бўйича:

- **уларга ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш тўғрисида;**
- **уларни ижтимоий уй-жойларга жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади.**

## Буни билиш муҳим!

Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида уларга ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш ҳамда ижтимоий уй-жойлар сотиб олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан уй-жойга муҳтож хотин-қизлар сонидан келиб чиқиб туман ва шаҳарлар бўйича тақсимланади.

**Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун ижтимоий уй-жойларни сотиб олиш тартиби**

**Ижтимоий уй-жойлар:**

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадаллар тўлаб бериш учун ажратилган маблағларнинг иқтисод қилинган қисмини қайта йўналтириш ҳисобидан;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан;

ижтимоий уй-жойга бўлган қўшимча талабдан келиб чиқиб маҳаллий бюджетлар даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан сотиб олинади.

**Маълумот учун.** Ижтимоий уй-жойлар тегишли ҳудуддаги яшаш учун яроқли бирламчи ва иккиламчи уй-жой бозоридан сотиб олинади.

Сотиб олинаётган ижтимоий уй-жойларнинг майдони ва нархи қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланадиган квартира майдонининг энг кўп меъёри ва уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан **ошмаслиги лозим.**

**Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижтимоий уй-жойларга жойлаштириш тартиби**

Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижтимоий уй-жойларга жойлаштириш қуйидаги схемага мувофиқ амалга оширилади:

| **Босқич** | **Субъектлар** | **Тадбирлар** | **Муддатлар** |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш комиссияси | 1. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш масалаларини ўрганиб чиқади ва рўйхатни шакллантиради.<br>2. Ижтимоий уй-жойга жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади. | Ҳар чоракда, чорак биринчи ойининг 15-кунига қадар |
| 2-босқич | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимлиги | 1. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган маблағларни уй-жойга муҳтож хотин-қизлар сонидан келиб чиқиб туман ва шаҳарлар бўйича тақсимлайди.<br>2. Ижтимоий уй-жойларни сотиб олади. | Белгиланган муддатларда |
| 3-босқич | Туман (шаҳар) ҳокимлиги | 1. Комиссия қарорида белгиланган муддатларга (кўпи билан 5 йил муддатга) ижтимоий уй-жойга жойлаштириладиган хотин-қизлар билан ижара шартномасини тузади.<br>2. Ижтимоий уй-жойни топшириш — қабул қилиш далолатномасини тузади.<br>3. Комиссия қарорига мувофиқ ижтимоий уй-жойга жойлаштиради. | 1. Комиссия қарори қабул қилингандан сўнг 20 кун ичида.<br>2. Ижара шартномаси тузилган кундан кейин 5 кун ичида.<br>3. Топшириш — қабул қилиш далолатномаси тузилган кундан сўнг 5 кун ичида. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 4-босқич | Ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизлар ва уларнинг оила аъзолари | 1. Ижтимоий уй-жойга кўчиб киради.<br>2. Ижтимоий уй-жойни соз ҳолатда сақлайди.<br>3. Белгиланган миқдорларда сақлаш харажатлари ва ижара ҳақи тўловларини амалга ошириб боради. | 1. Комиссия қарори қабул қилингандан кейин 30 кун ичида.<br>2. Ижара шартнома-сида белгиланган муддатларда. |
| 5-босқич | Туман (шаҳар) ҳокимлиги, оила ва хотин-қизлар бўлими | 1. Ижара шартномасида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан мониторинг олиб боради.<br>2. Ижтимоий уй-жойни қайтариб олиш бўйича Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш комиссиясига тақдимнома киритади. | 1. Ҳар ойда бир маротаба.<br>2. Зарур ҳолларда. |
| 6-босқич | Туман (шаҳар) ҳокимлиги, оила ва хотин-қизлар бўлими, бандликка кўмаклашиш маркази | Ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш, шу жумладан, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш орқали яшаш учун даромад манбаларини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириб боради. | Доимий (ижара муддати давомида) |
| 7-босқич | Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш комиссияси | 1. Ижтимоий уй-жойни қайтариб олиш масаласини кўриб чиқади.<br>2. Ижтимоий уй-жойни бўшатиш тўғрисида хабарнома юборади. | 1. Заруратга кўра.<br>2. Комиссия қарори қабул қилингандан сўнг 3 кун ичида. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 8-босқич | Ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизлар ва уларнинг оила аъзолари | Ижтимоий уй-жойни бўшатади. | 1. Ижтимоий уй-жойни бўшатиш тўғрисида Комиссия хабарнома-сини олгандан кейин 30 кун ичида.<br>2. Ижара шартнома-сида белгиланган муддатларда. |
| 9-босқич | “Халқпарвар” комиссияси | Уй-жойга муҳтож хотин-қизлар ижтимоий уй-жойларга жойлаштирилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади ҳамда мазкур соҳада бюрократия, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларнинг олдини олиш чораларини кўриб боради. | Доимий |

Ижтимоий уй-жойларга жойлаштирилиши лозим бўлган уй-жойга муҳтож хотин-қизлар Комиссиянинг тегишли қарори қабул қилингандан кейин кўпи билан **30 кундан** ошмаган муддат ичида ижтимоий уй-жойларга жойлаштирилади.

Уй-жойга муҳтож хотин-қизлар ижтимоий уй-жойларга туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштирилади. Бунда, ижтимоий уй-жой:

- белгиланган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари, ёнғинга қарши ва техник талабларга жавоб бериши;
- фойдаланишга тайёр ҳолда бўлиши лозим.

Комиссия қарори асосида ижтимоий уй-жойга

жойлаштириладиган хотин-қизлар билан туман (шаҳар) ҳокимлиги ўртасида:

20 кун ичида ижтимоий уй-жой ижара шартномаси;

ижара шартномаси тузилгандан сўнг 5 кун ичида ижтимоий уй-жойни топшириш – қабул қилиш далолатномаси тузилади.

Ижара шартномасида (Қўлланманинг 6-иловаси) ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизларга ижтимоий мажбуриятлар (касб-ҳунарга ўқиш, ишга жойлашиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш ёки ўзини ўзи банд қилиш, мактаб ёшидаги болаларининг мактабга қатнашишини таъминлаш ва бошқалар) юкланади.

Туман (шаҳар) ҳокимлиги хотин-қизларни ижтимоий уй-жойга жойлаштирганда, ҳар битта ҳолатни алоҳида ўрганган ҳолда, уларга тўғри келадиган ижтимоий мажбуриятларни белгилайди **ва ушбу мажбуриятларни шартномада назарда тутади.**

### Буни билиш муҳим!

Комиссия қарори қабул қилиниб, ижара шартномаси ва ижтимоий уй-жойни топшириш – қабул қилиш далолатномаси тузилгандан сўнг **5 кун ичида** уй-жойга муҳтож хотин-қизлар ижтимоий уй-жойга жойлаштирилади.

# ИЛОВАЛАР

*1-илова*

**_________________ туманда (шаҳарда) “Аёллар дафтари”га киритилиши таклиф этилаётган хотин-қизлар**

## РЎЙХАТИ

| Т/р | Т/р | Ф.И.О. | Туғилган кун, ой, йил | Паспорт серияси ва (ёки ID) рақами | Сектор рақами | Маҳалла номи | Яшаш манзили |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| I. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар | | | | | | | |
| 1 | 1. | | | | | | |
| 2 | 2. | | | | | | |
| 3 | 3. | | | | | | |
| II. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар | | | | | | | |
| 4 | 1. | | | | | | |
| 5 | 2. | | | | | | |
| 6 | 3. | | | | | | |
| III. Боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар | | | | | | | |
| 7 | 1. | | | | | | |
| 8 | 2. | | | | | | |
| 9 | 3. | | | | | | |
| IV. Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар | | | | | | | |
| 10 | 1. | | | | | | |
| 11 | 2. | | | | | | |
| 12 | 3. | | | | | | |
| V. Уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар | | | | | | | |
| 13 | 1. | | | | | | |
| 14 | 2. | | | | | | |
| 15 | 3. | | | | | | |
| VI. Қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди бор эҳтиёжманд хотин-қизлар | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **16** | **1.** | | | | | | |
| **17** | **2.** | | | | | | |
| **18** | **3.** | | | | | | |
| **V. Уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар** | | | | | | | |

____________ туман (шаҳар) ҳокими

1-сектор раҳбари (имзо ва муҳр) (Ф.И.О.)

____________ туман (шаҳар) прокурори

2-сектор раҳбари (имзо ва муҳр) (Ф.И.О.)

____________ туман (шаҳар) ИИБ бошлиғи

3-сектор раҳбари (имзо ва муҳр) (Ф.И.О.)

____________ туман (шаҳар) ДСИ бошлиғи

4-сектор раҳбари (имзо ва муҳр) (Ф.И.О.)

____________ туман (шаҳар) оила

ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи (имзо ва муҳр) (Ф.И.О.)

*2-илова*

# Республика бўйича «Аёллар дафтари»ни юритиш

# СХЕМАСИ

| Босқич | Амалга ошириладиган тадбирлар | Муддат | Сектор рақами<br>Маҳалла номи<br>Яшаш манзили | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Маҳалла | Туман, шаҳар | Вилоят | Республика |
| 1-босқич | Секторлар ишчи гуруҳлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан маҳаллала йиғинлари раиси ва фаоллари билан биргаликда барча йўналишдаги муаммоларни уйма-уй юриш орқали, шунингдек хотин-қизларнинг мурожаатлари, шу жумладан, хотин-қизларнинг «Аёллар маслаҳат кенгаши»га ва «Аёллар дафтари» ахборот тизими орқали мурожаатлари асосида анкета-сўровномаларига орқали муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари ўрганилади. | ҳар йили январь ойи давомида | Сектор ишчи гуруҳлари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари, «Аёллар маслаҳат кенгаши» | Сектор раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бўлими, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, бошқа мутасадди идоралар | Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, бошқа мутасадди ташкилотлар | Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, бошқа мутасадди ташкилотлар |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
